

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„ 23 “ январь 2018 й. г. № 43

Тошкент ш. – г. Ташкент

Бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 13 декабрдаги ПФ–5283-сон Фармонида асосан ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ва молия органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини моддий рағбатлантириш ва уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б.Р. Парпиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 23 январдаги 43- сон қарорига
ИЛОВА

Бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахслари – Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) молия бўлимлари мудирлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари;

даромадлар прогнози – солиқ ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад манбалари кесимида уларнинг солиқ солинадиган базасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқилган бюджет даромадларининг йиғма кўрсаткичлари;

солиқ қарзи – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган муддатда тўланмаган молиявий санкциялар. Бунда ундирилиши умидсиз ва муддати узайтирилган солиқ қарзлари инобатга олинмайди;

маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш резервлари – Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси, молия ҳамда солиқ органлари томонидан таҳлиллар (ўрганишлар) натижасида аниқланиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланган солиққа тортиш объектлари.

3. Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларни моддий жавобгарликка тортиш ҳар бир ҳисобот чораги якуни бўйича амалга оширилади.

4. Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ёки моддий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги буйруқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг тавсияларига кўра:

молия органларининг раҳбарлари учун – Ўзбекистон Республикаси молия вазири;

давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари учун – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси томонидан қабул қилинади.

5. Молия ва солиқ органларининг моддий рағбатлантириш жамғармалари ва маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ушбу органлар раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш манбаи ҳисобланади.

2-боб. Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва моддий жавобгарликка тортиш учун улар фаолиятини баҳолаш мезонлари

6. Қуйидагилар молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва моддий жавобгарликка тортиш учун улар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари (кейинги ўринда мезонлар деб аталади) ҳисобланади:

маҳаллий бюджет даромадларининг тасдиқланган прогнозининг ижро этилиши;

бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлигининг қисқартирилиши;

маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш резервларини аниқлаш бўйича кўрсаткичларнинг бажарилиши.

7. Мезонлар ижроси таҳлили тегишли ҳисобот чораги якуни бўйича амалга оширилади.

3-боб. Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларни моддий жавобгарликка тортиш тартиби

8. Мезонлар ижроси бўйича ҳудудий молия ва солиқ органлари томонидан ҳар чорак якуни бўйича ушбу Низомга 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ маълумотномалар тузилади.

9. Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш ушбу Низомнинг 4-иловасида келтирилган схема бўйича амалга оширилади.

10. Маълумотномалар қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

туман (шаҳар) молия бўлимлари ва давлат солиқ инспекциялари томонидан – туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг тавсиялари илова қилинган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлиги, ҳудудий молия ва давлат солиқ бошқармаларига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар;

Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлиги, ҳудудий молия ва давлат солиқ бошқармалари томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тавсиялари илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар.

11. Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ва Давлат солиқ қўмитаси раисининг тегишли буйруғи қабул қилинади.

12. Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва моддий жавобгарликка тортиш уларнинг лавозим маошига нисбатан устама қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини уларнинг лавозим маошларини 50 фоизгача бўлган миқдорда мукофотлаш, шу жумладан:

маҳаллий бюджет даромадлари тасдиқланган прогнозининг ижро этилганлиги учун 10 фоиз миқдорида;

бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги қисқартирилганлиги учун 20 фоиз миқдорида;

маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилганлиги учун 20 фоиз миқдорида;

б) юқорида кўрсатилган мезонларнинг ижроси таъминланмаганлиги учун уларнинг лавозим маошларининг 30 фоизи миқдорида жарима қўллаш, шу жумладан:

маҳаллий бюджет даромадларининг тасдиқланган прогнозининг ижро этилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорида;

маҳаллий бюджетларга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги ошишига йўл қўйилганлиги учун 10 фоиз миқдорида;

маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорида.

13. Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларига ушбу Низом 12-бандининг "б" кичик бандига асосан жарималар қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181–184-моддаларида назарда тутилган тартибга мувофиқ амалга оширилади, бунда жарима шаклида қўлланилган интизомий жазонинг амал қилиш муддати ҳисобот чорагидан кейинги чорак даври ҳисобланади.

Мазкур Низом 12-бандининг "а" кичик бандига асосан рағбатлантириш чоралари ушбу низом билан боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича илгари қўлланилган жазонинг амал қилиш муддати мобайнида қўлланилиши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Маҳаллий бюджет даромадларининг белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаганлиги учун жарима қўллашда молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахслари томонидан прогноз кўрсаткичлари бажарилмаслик сабаблари ўрганилади, бунда уларга боғлиқ бўлмаган омиллар инобатга олинади.

15. Муайян ҳисобот чораги учун мазкур Низомга асосан молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилган жарима кейинги ҳисобот чораги яқуни бўйича уларни рағбатлантириш ёки жаримага тортишда инобатга олинмайди.

16. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бюджетга тўловлар келиб тушининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

"Келишилди"

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари

Ф.И.О.

"__" _____ 20__ йил

Бюджет даромадлари бўйича __ йилнинг __ чораги учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг
____ вилоятида бажарилиши тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Худудлар	Чораклик прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши (млн.сўм)				Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахслари учун рағбатлантириш ва жавобгарлик чоралари (%)			
		Бюджет даромадлари				Молия органлари		Солиқ органлари	
		Чораклик прогноз	Ҳақиқатда тушум (1-Н ҳисоботлари бўйича)	Ижроси (%)	Фарқи	Ф.И.О.	лавозим маошига нисбатан*	Ф.И.О.	лавозим маошига нисбатан*
А		1	2	3=(2/1)	4=(2-1)	5	6	7	8
	Худуд бўйича жами								
	<i>шу жумладан туман(шаҳар)лар кесимида:</i>								
1.									
2.									
3.									
5.									
6.									
7.									
8.									
9.									
10.									
11.									
12.									
13.									
14.									

*) рағбатлантириш (+10%), жарима (-10%)

_____ худудий молия органлари раҳбари

/ Имзо /

Ф.И.О

_____ худудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбари

/ Имзо /

Ф.И.О

Бюджетга тўловлар келиб тушишнинг кўрсаткич прогноллари
бажарилгани ҳамда кўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб
олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор
шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий
жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

"Келишди"
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари
Ф.И.О.
" " 20 йил

Давлат бюджетига тўловлар бўйича 20__ йилнинг 1 _____ ҳолатига мавжуд солиқ қарзлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

	Худудлар	Мавжуд солиқ қарзи (умидсиз ва мудлати узайтирилган солиқ қарзи инobatга олинмаган ҳолда) (млн.сўм)		Солиқ қарзининг ўзгариши ("+" ўсиш, "- " камайиш)	Солиқ қарзининг ўсиш суръати (%)	Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахслари учун рағбатлантириш ва жавобгарлик чоралари (%)			
		Ҳисобот чораги бошига	Ҳисобот чораги яқунига			Молия органлари		Солиқ органлари	
						Ф.И.О.	лавозим маошига нисбатан*	Ф.И.О.	лавозим маошига нисбатан*
А		1	2	3=(2-1)	4=(2/1)	5	6	7	8
	Худуд бўйича, жами								
	<i>шу жумладан туман(шаҳар)лар кесимида:</i>								
1.									
2.									
3.									
4.									
5.									
6.									
7.									
8.									
9.									
10.									
11.									
12.									
13.									
14.									

*) рағбатлантириш (+20%), жарима (-10%)

_____ / Имзо / Ф.И.О
худудий молия органлари раҳбари

_____ / Имзо / Ф.И.О
худудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбари

Бюджетга тўловлар келиб тушинининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга nisbatan moddiy javobgarlik choralarini қўллаш тартиби тўғрисидаги низомига 3-ИЛОВА

"Келишилди"
Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгаши раиси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари
Ф.И.О.
"___" _____ 20__ йил

_____ бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари даромад базасини ошириш резервлари тўғрисида
_____ йил ҳолатига маълумот

(млн.сўмда)

Т/р	Худудлар	Маҳаллий бюджет даромадлари базасини оширишда аниқланган резервлар (хисобот чораги давомида)						Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг тасдиқланган режаси	Жами аниқланган захира суммасининг режага nisbatan улуши (%)	Резерв суммалари (хисобот чораги давомида)		Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахслари учун рағбатлантириш ва жавобгарлик чоралари (%)			
		Жами	шу жумладан:							Ундирилган	Ундирилиши даражаси (%)	Молия органлари		Солиқ органлари	
			Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича катъий белгиланган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Бозорлардан тунадиган даромадидан	Маҳаллий йиғимлар					Бошқалар	Ф.И.О.	лавозим маошига nisbatan*	Ф.И.О.
A	1=(2+3+4+5+6+7)	2	3	4	5	6	7	8	9=(1/8)	10	11=(10/1)	12	13	14	15
	Худуд бўйича, жами														
	шу жумладан туман(шаҳар)лар кесимида:														
1.															
2.															
3.															
4.															
5.															
6.															
7.															
8.															
9.															
10.															
11.															
12.															
13.															
14.															

*) рағбатлантириш (+20%), жарима (-10%) қўлланилади

ЭСЛАТМА: Даромадлари базасини ошириш резервлари - молия ҳамда солиқ органлари томонидан таҳлиллар (ўрганишлар) натижасида қўшимча аниқланган солиқ солиш объектлари.

худудий молия органлари раҳбари / Имзо / Ф.И.О

худудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбари / Имзо / Ф.И.О



Бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга 4-ИЛОВА

Молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш СХЕМАСИ

